

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
 1 июлдан  
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 213 (11.274)

Баҳоси эркин нарҳда

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Бир кун*  
 Янгиликлар, воқеалар

## Кеча сатрларда

- **КЕЧА** Халқаро ҳамкорлик марказида тилшунос олимлар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман «XXI аср филологияси: тенденция, назария ва амалиёт» деб номланди.
- **КЕЧА** Тошкент Тиббиёт академиясида шифокорлар, ўқитувчилар, талабалар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Тиббиётни ривожлантиришда замонавий технологияларнинг аҳамияти» деб номланди.
- **КЕЧА** Ўзбекистон тарихи Давлат музейида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб «Тошкент: «Кеча ва бугун» мавзусида ташкил этилган кўргазмада Боровский номидagi тиббиёт коллежи ўқувчилари ва ўқитувчилари иштирок этишди.
- **КЕЧА** Низомий номидagi Тошкент Давлат педагогика университетидa ўқитувчилар иштирокида таълим самарадорлигини янада яхшилашда замонавий технологияларнинг ўрни масаласига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.
- **ШАҲРИМИЗДА** Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва мамлакатимиз вилоятлари бадий ҳаваскорлик жамоалари рақс дасталари, мураббийлари иштирокида рақс санъатини ривожлантиришга бағишланган ўқув семинари ташкил этилди.
- **КЕЧА** Халқаро кураш ассоциациясида мутахассислар иштирокида ўтказилган тадбирда келгуси йили Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ташкиллаштирилдиган Осиё ўйинлари дастуридан кўраш ҳам ўрин эгаллаганлиги таъкидлаб ўтилди.
- **БУГУН** Ҳамза туманида туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИХ туман бўлими кенгаши ҳамкорлигида 161-мактаб ўқувчилари ўртасида Ёшлар йилгига бағишлаб ўтказилган кўрик-танлов «Қувноқлар ва зукорлар» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг  
 Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз  
 хабарларидир).



### Тадбиркорлик БОЗОРБОП МАХСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

**МАХСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИБ, РАҚОБАТБАРДОШЛИгини ТАЪМИНЛАШДА, ИМПОРТ ҲАМДА ҲАММАНИ БОСУВЧИ ТОВАРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИБ ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР ЭТИШДА, АЛБАТТА, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК УҚСУНА ВА ЖИХОЗЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС.**

Ана шундай юксак унумли хорижий дастгоҳлар қувватидан самарали фойдаланган ҳолда тайёрланаётган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрликли махсулотлар ички ҳамда ташқи бозорда харидорлиги билан ажралиб туради. Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «DAVR SHAMS JHOZ» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам нафақат ички, балки келгусида албатта ташқи бозорни кўзлаб иш юритаётган жамоалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда мебель саноати ривожига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилган корхона раҳбари Бахтиёр Шокиров тадбиркорликка очилган кенг йўлдан ўз мақсадлари йўлида самарали фойдаланди. Корхона фаолияти йўлга қўйилган илк 2006 йилда бир неча мебелосаз саз-ҳаракатлари билан 15 миллион сўмлик махсулот тайёрлашга эришилди. Кейинги йилларда эса ушбу кўрсаткичнинг бир неча баробарга юқорилаб бораётгани изланишлар самараси, Россия, Туркия, Хитой давлатларидан келтириб ўрнатилган мебель тайёрлашда



Корхонада тайёрланаётган ошхона мебеллари ўзига хослиги билан ажралиб турса, ётоқхона ва меҳмонхона мебеллари ҳодонингизга фазз бағишлайди, болалар учун, идора ва мактаб мебеллари, юмшоқ мебеллар кўркам кўринишда, мустаҳкамлиги билан буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

Корхона ўтган фаолияти давомида «УзГА-30Йл», автосаройлар, мактаб ва тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотлар буюртмаларини муваффақиятли адо этди. Келгусида эса тадбиркорлар Ҳамдўстлик давлатлари буюртмаларини ҳам бажариб, махсулот экспортини йўлга қўйишни режалаштиришган. Бунинг учун янги хорижий линиялар келтириб ўрнатиш, ёшлар учун қўшимча ўш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Энг асосийси эса янги турдаги бозорбоп мебель махсулотлари тайёрлашга эришилди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
 СУРАТЛАРДА: тадбиркорларнинг изланишлари самара бермоқда. Ҳакимжон Солихов олган суратлар

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жамоаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шунингдек, ЮНЕСКО, ЮНЕСКО ва БМТ Ривожланиш дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу форумда мамлакатимизнинг ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассислари, Буюк Британия, Россия, Украина ва

вожланмоқда, оила шаклидаги болалар ўйлари тармоғини кенгайтириш чоралари кўрилмақда. Бундан қўзланган мақсад ҳар бир бола оилавий шароитда тарбия топиб, ривожланиши, шак сифатида шаклланиши учун зарур фазилат ва кўникмаларга эга бўлишига ёрдам беришдан иборат. Имконияти чекланган болаларнинг жамият ҳаётига фаол қўшилишини таъминлаш, шу мақсадда инклюзив таълим амалиёти кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

## САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР, ФОЙДАЛИ ШАРТНОМАЛАР

### «ЎЗКСПОМАРКАЗ»ДА РЕСПУБЛИКА САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИОН БИРЖАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасининг навбатдаги иш кунинда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзбекэнерго», «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниялари, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «Узпахтасаноат» ва «Узагрош-сервис» уюшмалари тизимидagi корхоналар ҳамда «Файз» холдинг компанияси махсулотларининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбирларда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 ноябрда эълон қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз саноат корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим омили бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўртимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни ишга тушириш борасида кенг қўлғамли ишлар амалга оширилмоқда. Бошқа соҳалар қатори энергетика тизимини модернизация қилишга қаратилган лойиҳалар учун ҳам хориж сармояси жалб этиш ишлари тобора фаоллашмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан иқтисодий эркинлаштириш, унинг барча жа-баҳаларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қўлай сармоявий муҳит яратилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

2012 йилгача электр энергетика тармоғини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига асосан энергия тежаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энергия ишлаб чиқаришдаги янги технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш ва соҳада халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар бажарилмоқда.

— Компаниямиз тизимидa эллик тўрт корхона фаолият юритади, — дейди «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг электростанциялардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Лутфулла Нуруллоев. — Мақзур биржа бизга турдош корхоналар билан янада яқин алоқа ўрнатиб, янги ширеклар топиш имконини бераётганидан жуда мамнунмиз. Утган йилги кооперацион биржада қарий қирқ миллиард сўмлик шартномалар имзолаган эдик. Бу йил ушбу кўрсаткични олтиш миллиардга етказиш ниятидამиз. Компаниямизда жорий йилда импорт ўрнини босувчи ўн беш хилдаги янги махсулот ишлаб чиқарила бошланди. Жумладан, юқори ҳароратга чидамли тўрт турдаги гишт ҳамда насос учун зарур эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш, трансформаторларни тазмирлаш ишлари йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

## БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАК ҲАҚИДА ФАМХЎРАЛИҚДИР

ПОЙТАХТИМИЗДА «ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ВА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШНИ РИВОЖЛАТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ФОРУМ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. УНИНГ ЯКУНЛАРИ БўЙИЧА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАВСИЯЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Франциядан ташриф буюрган экспертлар иштирок этди. Форум иштирокчилари мамлакатимизда болалиқни ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган кучли ижтимоий сибастанинг барча жиҳатлари билан танишдилар. Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол ривожланиши учун қўлай шарт-шароит яратиш, жумладан, уларнинг сифатли таълим ва тиббий ёрдам олишини таъминлаш, ювенал адлияни мустаҳкамлаш орқали ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш устувор вазифалардан бири экани таъкидланди. Юртбошимиз ташаббуси билан бу борада тегишли давлат дастурлари рўйбга чиқарилмоқда, ушбу соҳада миллий манфаатлар ҳамда халқаро меъёрларга жавоб берадиган қатор қонунлар қабул қилинди. Тақдир тақозоси билан ота-онаси тарбияланган маҳрум бўлган ва ҳаётда мушкул аҳволга тушиб қолган болаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Васийлик ва ҳомийлик тизими ри-

тадбирда инклюзив таълим болаларни ижтимоий қўллаб-қўвватлаш шаклларида бири экани таъкидланди. Мамлакатимизда ушбу таълимни ривожлантириш учун тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда болалиқ муаммолари билан шуғулланадиган жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамжиҳатлиги йўлга қўйилди, бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Турли тоифадаги болаларнинг алоҳида эҳтиёлларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал таълим дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Бундай болаларга хизмат кўрсатиш турлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг ота-оналар иштирокидаги ижтимоий ҳамкорлиги кенгайтирилмоқда. Мамлакатимиз ва хорижда тўпланган энг илғор тажрибалар асосида ижтимоий ходимларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш сифати яхшиланмоқда. Форумда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ф.Шо-

маров, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Б.Алимҳамедов, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори Т.Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг гуруҳ раҳбари Б.Исмоилов ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Буюк Британия Болалар ҳуқуқи маркази эксперти Рейчел Харвининг фикрича, 1992 йилдаёқ БМТнинг Бола

А.ИВАНОВА,  
 Ўза мухбири

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Бухоро ва Самарқанд вилоятлари фаолларининг 2008 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Президентимизнинг шу йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари бўйича келгусидаги вазифаларга бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди.
- Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, Ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1998 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамда Республика Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташаббуси билан «Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш масалалари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.
- Самарқанд шаҳридаги Меҳрибонлик уйларида «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси иштирокида хайрия тадбирлари ўтказилди. Тадбирлар доирасида шаҳардаги Меҳрибонлик уйларида замонавий техника воситалари, ўқув ва спорт жиҳозлари топширилди. Болажонлар ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишлари, шёър, кўшиқ ва рақслар билан меҳмонларни хушнуд этдилар.
- Жиззах шаҳридаги «Зилол» маҳалласида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.
- Навоий шаҳрида ташкил этилган «Воҳидов ўқишлари-2008» XIII Республика илмий-амалий конференцияси қўрақ ва корин бўшлиғи органлари, юрак қон-томир патологияси диагностикасида энг янги технологияларни татбиқ этиш ва жарроҳлик йўли билан даволаш, шунингдек, болалар жарроҳлиги масалаларига бағишланди.
- Тошкент тўқимачилик ва энгил саноати институтининг бир гуруҳ олимлари электр тоқини ўтказувчи пойабзал лойиҳасини яратди. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан ижобий баҳоланган ушбу оёқ кийимидан «Восток» илмий ишлаб чиқариш уюшмасида яққа ҳимоя воситаси сифатида фойдаланилмоқда.

## ЖАҲОНДА

- Россия ва Хитой имзолаган шартномага мувофиқ Хитой чегарасига қадар давом этадиган «Шарқий Сибирь — Тинч океани» нефть ўтказгичининг қўшимча шохобчаси бу-нефт этилади.
- Мальдив Республикасида бўлиб ўтган президент сайловларида собиқ сиёсий маҳбус, муҳолифат етакчиси Муҳаммед Нашид давлат раҳбари этиб сайланди. У сайловчиларнинг 54 фоиз овозини олишга муваффақ бўлган бўлса, амалдаги президент Мамун Абдул Гаюмга 46 фоиз сайловчилар ўз овозларини беришди.
- Киев апелляция маъмурий суди шаҳар округ маъмурий судининг мамлакат президенти Виктор Ющенконинг Олий Радани тарқатиб юбориш ва муддатидан илгари сайловларни ўтказиш ҳақидаги фармони амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарорини бекор қилди. Шу тариқа Украина президенти девонининг арзаси қониқтирилди.
- Грузия президенти Михаил Саакашвили мамлакат бош вазири Владимир Гургенадзенинг истеъфого чиққанини маълум қилди. Собиқ бош вазир энди Грузиядаги молиявий вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилувчи комиссияни бошқаради.
- Доғистонда ҳуқуқ-тартибот идоралари хизматчилари ва жангарилар ўртасида қуролли тўқнашув бўлиб ўтди. Отишма чоғида уч нафар жангари йўқ қилинган, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан ҳеч ким жароҳатланмаган.
- АҚШнинг шимоли-шарқий ҳудудларида кучли қор ёғиши айниқса, Пенсильвания, Нью-Жерси ва Нью-Йорк штатлари аҳолисига катта қийинчилик туғдирди. Ушбу жойларда юз мингдан ортиқ бино электр таъминотидан узилиб қолган.
- Эстониянинг Таллин шаҳридаги «Kremelti» кимё заводида портлаш юз берди. Натихада икки нафар ишчи ва бир кутқарувчи энгил тан жароҳати олган. Корхона электр тармоғидан узилиб қолган. Портлашнинг нима сабабдан юз берганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.
- Халқаро валюта жамғармаси Европа Иттифоқи ва Бутунжаҳон банки билан Венгрия иқтисодийни кўтариш учун 25,1 миллиард доллар ҳажмида молиявий ёрдам беришга қарор қилди.
- Ўриндошлик асосида Интерпол агенти вазифасида ишлаган АҚШнинг Мексикадаги элчихонаси ходими ушбу мамлакатдаги энг йирик ва қудратли Белтран-Лейва наркокартелига махфий маълумотларни етказиб турганини тан олди. У билан Мексика прокуратурасининг беш ходими ҳам ҳибсга олинган.

# ИШГА АМАРҲАМАТ!



**Юртимизда ҳам келаётган ёш авлоднинг маънавий етук ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларни миллий истиқлол роҳларига садоқатли, чин маънода ватанпарвар инсонлар сифатида вояга етказиш давлатимизнинг энг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуринда ҳам ёшларга замонавий билим ва иқтисодий малакаларини шакллантиришни давр талаблари даражасига кўтариш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан эканлиги бежиз таъкидланмаган. Тошкент Радиотехника ва Автоматика касб-ҳунар коллежи фаолияти билан танишганимизда ҳам ушбу эзу мақсад йўлида ибратли ишлар амалга ошириляётганини гувоҳи бўлдик.**

— Ёшларимизга билим бериш, уларни юртимиз келажagini бунёд этувчи, гуллаб-яшнаши учун муносиб ворислар қилиб вояга етказиш бизнинг зиммасига юклатилган, — дейди коллеж директори Абдурашул Зокиров. — Ҳунарчилар эса давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз билими, касб маҳоратини доимий ошириб бориши, таълим-тарбиянинг илгор усулларини билиши ҳамда ўз устида тинимсиз ишлаши лозим.

Ҳозирда коллежимизда 1531 нафар ўқувчилар 8 та йўналиш бўйича таълим олишмоқда. Булар — жорий ўқув йилида янги қиритилган: назорат-ўлчов асбоб-автоматика, ҳисоблаш машиналари мажмуаси тизимлари ва тармоқлари; радиоэлектр аппаратларини монтаж қилиш, таъмирлаш ва соғлаш; компьютер тармоқларини соғлаш; электротехника буюмларини йиғиш; бухгалтерлик ҳисоби; менежмент мутахассисликларидир. Жумладан ушбу таълим масканида ўқувчилар маиший хизмат машиналари ва асбобларини таъмирлаш, уларнинг ердаги радиотех-

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАҲАЛЛАЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИБРАТЛИ ИШЛАР ТАҲСИГА САВОРДИР. ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАР КЎЗЛАНИБ, АНИҚ РЕЖАЛАР АСОСИДА ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЭЪТИҚОДЛИ, СОҒЛОМ, БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИДА, УЛАРИНИНГ ИЛМ-ҲУНАРЛИ, БИРОН КАСБ-КОРЛИ БЎЛИШЛАРИ, БАНД БЎЛМАГАН ФУҚАРОЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА ҲАМ МАҲАЛЛАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАГИ САМАРАЛИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР КУТИЛГАН НАТИЖАЛАРНИ БЕРМОҚДА.**

## БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР

Хусусан, пойтахтимизнинг биргина «Миришкор» маҳалласи мисолида ҳам эзу ишлар бардавончилигини кўриш мумкин. Мазкур маҳаллада ҳозирда ўқув маркази фаолият юритиб, шу ерда истиқомат қилувчи қиз-жувонлар турли йўналишларга ўқитилмоқда, уларга иш ўргатилмоқда. Жумладан, ушбу худудда жойлашган корхоналар маҳалладаги кўплаб фуқароларни касаначилик асосида иш билан таъминлаб, рўзгорларига барака киритмоқда.

Янги жихозланган, барча қулайликлар яратилган ўқув марказида ҳозирда 15 нафар қиз-жувонлар зардўзликдан сабоқ олиб, гилам тўқиш сирларини мукаммал ўрганишмоқда. Бу борада марказнинг жонқури, ўз ишининг устаси моҳир ҳунарманд Насида Боборова ҳамда зардўз уста Алик Темирбековалар қизиқувчан, эзу ёшларга ҳунарларининг миридан-сиригача сабоқ беришмоқда.

— Ёшларимиз гўзалликка ошно бўлишса, — дейди маҳалла фаолларидан Альфия оя Сайфулина, — улардан ҳақиқий инсон етишиб чиқади, яъни қалби тоза, доимо яхшилик қилишга интилувчи, файратли ва албатта, она Ватанини, оиласи, маҳалласини сеувучи йигит-қизлар сафи кенгайди. Касб-ҳунар эгаллаши баробарида оила бюджетига ҳам мадад бўлади. Асосийси, ёшлар бекорчи, самарасиз вақт ўтказишдан йироқ бўлишди, уларнинг керак одам деб, ҳис қилишди.

Иш жараёнида ҳунармандлар ёшларимизнинг хулқларига ҳам алоҳида эътибор қаратишди, тиришқоқ, зийрак, сабр-бардошли бўлишга ундашди.

**Муяссар АБДУРАСУЛОВА**

## ШАРТНОМА БЕКОР ҚИЛИНСА...

Мен бир корхонага синов мuddати билан ишга олиндим. Маълум сабабларга кўра синов мuddати даврида меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи эдим. Қандай йўл туттишим лозим?

**Носир Йўлдошев, Сергели тумани**

Дастлабки синов мuddати тугагунга қадар бир томон иккинчи томонни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Икки томоннинг келишувига биноан уч кун огоҳлантириш мuddати қисқартирилиши ҳам мумкин. Шунингдек, ҳодима огоҳлантириш мuddати даврида меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини қайтариб олиш ҳуқуқи ҳам берилади.

Синов мuddати даврида ҳодим ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилганда ундан бунинг сабабини

### Бандлик

## ҚАТЪИЙ РЕЖА АСОСИДА

**ПОЙТАХТ АҲОЛИСИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ҲИСОБЛАНМИШ УШБУ МАСАЛА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ БАРЧА БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗЛАРИНИНГ АСОСИЙ ИШ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. БУГУНГИ СУҲБАТДОШИМИЗ УЧТЕПА ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗ ДИРЕКТОРИ ТОЗАГУЛ АКРОМОВА ЖАМОАНИНГ ФАОЛИЯТИ, РЕЖАЛАРИ, ҲАМКОРЛАР ҲАҚИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ:**

— Туманимизда ҳозирги кунда 53 та маҳалла-ларда 237161 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Улардан 1973 нафар фуқаро банд бўлмаган аҳолини ташкил этади. Шиддаткор, тежор асримизнинг меҳнат бозори ўта ўзгаришчан, талаблар ҳам ўзига хослиги билан ажрналиб туради. Иқтисодий жараёнлар ишчи-кўчига бўлган талабнинг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўзгаришига таъсир қилмоқда, корхона, фирмаларга йилдан-йилга янада малакали кадрлар талаб қилинмоқда. Кичик бизнес, ҳу-



Ёшлар — келажакимиз

# МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ника таъмирлаш воситаси ва техникадан фойдаланиш йўналишларида малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Бизда ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ҳунарчиларимизнинг барча йўналишларида янги билим олишлари, касбларини чуқур ўрганишлари ҳамда амалий кўникмалар ҳосил қилишлари учун ўқув биносидан барча шарт-шароитлар яратилган. Махсус жиҳозланган аудиториялар, фан хоналари, компьютер хоналари, Маънавият ва маърифат хонаси, жуда бой захирага эга бўлган ахборот-ресурс маркази, кенг, ёруғ қиратхона, замонавий жиҳозланган спорт залли, очик спорт майдонлари, буфет ўқувчилар иктирмоқда.

Таълим масканида ҳозирда 63 нафар ўқувчилар ҳамда 14 нафар ишлаб чиқариш усталари ўқувчиларга таълим бермоқда. Жамоамиз ўз касбига алоҳида меҳр қўйган педагог-ўқитувчилардан ташкил топган бўлиб, — улардан 8 нафари олий тоифалидир. «Ёшлар йили» дастурига асосан жорий ўқув йилида 17 нафар ёш, зукко, билимга чанқок ўқитувчилар сафларимизни тўлдиргани айниқса, қувонарли хол. Шунингдек, тажрибали ҳар томонлама етук устозлардан Шоҳид Азизов, Мақтаба Эргашева, Александр Висилайкин, Муқаддас Юсупова, Бахтиёр Ёқубовлар жамоада муносиб ўринга эга.

Ўқувчиларимизнинг дарслардан бўш вақтларини тўғри ташкил этиш ҳам жамоанинг диққат марказида. Боиси, коллежда таълим олиш даврининг ёшларнинг инсон сифатида шаклланишида аҳамияти беқасб. Шу даврни янада сермазун, мароқли ва эсда қоларли ўқиш учун режалли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, дарслардан ташқари тўғрақарлар фаолияти таҳсинга лойиқ, 10 та тўғрақар — булар фанлар ва мутахассислик бўйича бўлиб, уларга кўплаб ўқувчилар жалб қилинганлиги билан таҳсинга лойиқ, Айниқса, тўғрақарлар аъзолари (бахорлар рейтингини ҳам албатта, ҳисобга олинади) коллеж ҳаётида фаол қатнашади. Жумладан, очик дарслар, касблар байрами, кўрик-танловларда алоҳида файз бағишлайди.

Шу ойда қилинган ишларга тўхталсак, коллежимизда ушбу ой тилшунослик ойлиги деб эълон қилинди. Унда барча гуруҳлар давлат тили қабул қилинган кун муносибати билан дастурга кўра ўзаро куч синашди. Яъни улар ўртасида баҳс уюштириди: ижодий танлов, кўрик-танлов, беҳато ёзиш ҳафталиги, стендлар байрам кўриги, очик дарслар ўтказилди, қоғозлар тақдирланди.

Сирасини айтганда, жамоамиз фаолияти эзу мақсадга қаратилган — эртанги умид чекларимизнинг соғлом, жиҳмонан бақувват, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларида, илм-ҳунарли, танлаган мутахассисликларини яхши ўзлаштиришида уларга мададкор бўлиш. Бу йўлда ҳормай меҳнат қилмасин.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА СУРАТЛАРДА: Тошкент Радиотехника ва Автоматика касб-ҳунар коллежи ҳаётидан лавҳалар**

Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йил бошидан (9 ойлик кўрсаткичларга кўра) 3322 нафар аҳоли марказимизга иш сўраб мурожаат қилди. Улардан 2855 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. 254 нафар киши вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. Шунингдек, ўқув марказимизга 471 нафар фуқаро касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш учун йўланмалар билан юборилди. Бундан ташқари, 8 нафар аёл ҳам тадбиркорлик ўқув курсига ўқишга йўланмадаги маданият ва истироҳат боғидаги ёшлар учун алоҳида ташкиллаштирилган тадбирлар самарали бўлди. Улар туман ҳокимлигининг яқин ҳамкорлигида ўтказилганлигини таъкидлаш жоиз, албатта. Жумладан, ёз мавсумида 14-16 ёшгача бўлган ўқувчиларга 44 та иш ўринлари яратилди...

Эътиборли томони, туманимизда Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан касаначилик асосида аҳолига янги иш ўринлари яратилмоқда.

Ил бошидан бунён уй меҳнати билан шуғулланувчилар учун 273 та иш жойлари ташкил этилди. Булар «СНЕВАР» акциядорлик жамияти (43 та), «Зийрак автомобилчи», «Мухтор Шодиев-транс», «Шохрўх интернешнл» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари жиҳасига тўғри келди.

Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — кўп болали, кам таъминланган, ногирон фарзандли тарбиялланганлар доимий эътибор, моддий ёрдам бериб келинмоқда. Ушбу ишлар ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан амалга оширилляпти. Шу давргача моддий ёрдам сўраб ариза ёзган 4046 та оилаларга ёрдам пули ажратилди. Шунингдек, 2 ёшгача болаларни тарбиялаётган 2369 нафар оналарга, 18 ёшгача бўлган фарзандлар учун 6832 нафар фуқароларга нафта берилмоқда.

Сирасини айтганда, келгусига белгиланган истиқбол режаларини ҳам ўз вақтида бажаришга, аҳолига меҳнат бозоридан талаб ва эҳтиёж асосида иш топишида мададкор бўлишга жамоамиз астойдил ҳаракат қилмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: Учтепа туман бандликка кўмаклашувчи марказ жамоаси «Бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлар» меҳнат ярмаркаларини ўтказиш самарасини тўғри англашган.**

ма олди.

Бугунги кунгача марказимиз жамоасининг режасига кўра 8 та «Бўш иш ўринлари ва ва-

# САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР, ФЙДАЛИ ШАРТНОМАЛАР

(Давоми.Боши 1-бетда).

Газни автоматик тарзда ёқиб учун қўлланадиган техник хавфсизлигини таъминловчи махсус ускуналар ҳам тақдим этилди. Утган бир йил мобайнида компаниямиз тизимидаги кўплаб корхоналарда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси тўдан яхшиланди. Авваллари иссиқчи сакловчи ва юқори босимга чидамли маҳсулотларни чет элдан сотиб олардик. Эндиликда хомашёни харид қилиш бўйича «Андижонмаш», «Наманганмаш», «Тошметалл» каби корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Ушбу форумда шу кунгача имзоланган шартномаларимизнинг умумий қиймати ўттиз миллиард сўмдан ошди.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳномалигида барча соҳаларда амалга ошириляётган илчил ислохотлар иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари қатори нефть-газ саноатининг янада ривожланишида ҳам муҳим омили бўлмоқда. Юртимизда табиий газ ва нефть қазиб олиш ҳамда етказиб бериш ҳажми йил сайин ошиб бораётгани бунинг далилидир. Ўзбекистон нафкат МДХ, балки кўплаб бошқа мамлакатларга ҳам энергия манбалари етказиб беришчи давлатлардандир.

— Биржада кўплаб корхоналар билан импорт ўрнини босувчи ускуналар, эҳтиёт қисмлар, кимёвий қорихималар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича ўзаро манфаатли музокаралар ўтказмоқдамиз, — дейди «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг молия ва иқтисодиёт бош бошқармаси бош мутахассиси Алишер Мирзамажмунов. — Уч кун давомида умумий қиймати олтиш миллиард сўмдан ортиқ ўттиз бешта шартнома имзоладик. Ушбу кўрсаткични бир оз олтиш миллиардга етказишни мўлжаллаймиз.

Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига техник хизмат кўрсатиш, жумладан, зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан шуғулланадиган «Ўзгаромашсервис» уюшмаси мазкур тармоқда фаол иш юритаётган етакчи корхоналардан.

— Саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада галла ўриш қомбайнлари, селкалар, тиркамалар ва плугларнинг эҳтиёт қисмлари, қўлвавторлар, насослар, юқори босимга чидамли шланглар, шарикли ва роликли подшипниклар каби янги турдаги кўплаб маҳсулотларни намойиш этмокдамиз, — дейди «Ўзгаромашсервис» уюшмаси бош мутахассиси Маҳмуд Азимов. — Утган йили саноат форумида 6,6 миллиард сўмлик шартномалар имзоланган эдик. Бу гал мазкур кўрсаткични 9,5 миллиардга етказишни режалаштирганмиз. Ушбу ярмарка бизга янги шерик ва ҳамкорлар топиш имконини бераётганидан жуда мамнумиз.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири**

## Иқтисодиёт

### МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА МУВОФИҚ

**ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА МУҚИМ ЎРИН ЭГАЛЛАГАН МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИ, ЧИРОЙЛИ ҚАДОКЛАНИШИ, ИМПОРТ ЎРИНИ БОСИШ БИЛАН ҲАМКОРЛАРИМИЗНИ МАМНУН ҚИЛМОҚДА. АЙНИҚСА, МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КОРХОНАЛАР, ХУСУСИЙ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ САФИ ЙИЛДАН ЙИЛГА ОРТИБ БОРАЁТГАНИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.**

Шаҳримизда 2003 йилдан бунён фаолият юритаётган «TUTZOR NON» масъулияти чекланган жамияти ҳам шундай корхоналар сирасига кириди. Унинг сафларида ҳозирда 25 нафар ўз касбига алоҳида меҳр қўйган қандақлашлар меҳнат қилишмоқда. Аввалига 3 нафар ишчи-ҳизматчилар 4 та ишчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, йилдан-йилга асосий эътиборни сифатга қаратган ҳолда янгидан-янги маҳсулотлар тайёрлаб, харидорларни мамнун қилишмоқда.

Давлат маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган маҳаллий маданият аъзолари 20 хилдаги хуштаъми, сифатли, харидорнинг пишириқлар ишлаб чиқаришида маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланмоқда. Ишчи-ҳизматчиларнинг баракали меҳнат қилишларида озода, саранжом-саришта цехларда ўрнатилган — Россия давлатидан келтирилган юксак унумли технологик линия, дастгоҳ ва ускуналар мададкор ҳисобланади.

— Ўз истиқболи йўлида меҳнат қилган, муваффақиятларга эришишни ният этган, маҳсулотлари харидорлигини таъминлашга интилган тадбиркорлар, — дейди ушбу жамият бошқаруви раиси Абдуқодир Юсупов, — товарлар турларини янгилашга, харидор дид ва эҳтиёждан, бозор талабидан келиб чиққан ҳолда сифат ва рақобатбардошликка асосий эътибор қаратади. Ана шундай маҳсулотларига ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топади. Шу ўринда корхона истиқболи замон талабидан келиб чиқиб, энг янги технологияларни қўллаш ҳам талаб қилмоқда.

Дарҳақиқат, корхона тадбиркорлари маҳсулотларини пойтахтимиздаги 30 та супермаркетларга, савдо дўконларига ҳамда «Карвон» бозорда зулуксиз сотилишини таъминлашмоқда, келгусига аниқ режаларни белгилашмоқда.

## БУЮРТМАЧИЛАР САФИ ОРТМОҚДА

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИ ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИШ ЮРИТИБ, ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИШАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА СЕЗИЛАРЛИ ОРТДИ. УЛАР ОРАСИДА ЁШЛАР САЛМОҚЛИ ЎРИН ЭГАЛЛАТГАН АЙНИҚСА, ҚУВОНАРЛИДИР.**

2006 йилдан хусусий тадбиркор сифатида фаолият юритаётган Сергей Заречкин ҳам ташаббускор тадбиркорлардан ҳисобланади. Ўз имкониятларидан оқилона фойдаланган ҳолда у ҳозирда 20 турдаги сифатли, кўркам, ишлашда қулай ёритиш мосламаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 2-3 нафар қизиқувчан ёшлар кўмагида тадбиркор чиройли дизайндаги бра, фанар, ёриткич, плафонларни буюртма асосида тайёрлайди. Маҳаллий хом ашё — шишадан бир-биридан ёрқин ранглири билан ажрналиб турувчи маҳсулотлар сифатли, аммо нисбатан арзонлиги боис, буюртмачилари сафи ортиб бормоқда. Болалар ижодиёт уйлари, маданият уйлари, бочча, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари хусусий тадбиркорнинг буюртмачиларидир.

Заречкин жорий йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтиришни (кредит олган) мақсад қилган ҳолда меҳнат қилмоқда. Цех қурилиб, кераклик дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлаб, янгидан-янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришга, асосийси, Ёшлар йилида ёшларга янги иш жойлари яратишга астойдил бел боғланган.

**(ЎЗ мухбиримиз)**

## НЕЧА ЁШДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?

Маҳалламиздаги 14-15 ёшли ўсирил ишга қабул қилиниши мумкинми?

**Абдужалил Иноят, Бектемир тумани**

Амалдаги қонунга мувофиқ, ишга қабул қилинишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тулган ўсмир ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахс (васий, ҳомиён)нинг ёзма равишда розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадини кўзлаб, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув юрталарининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тулганларидан сўнг ота-онасининг розилиги билан ишга қабул қилиши йўл қўйилади. Бундай шароитда боланинг соғлиғи ва ўқишига зарар келтирмаслик ҳисобга олиниши керак. Шунинг-

## ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Қайси тоифадаги фуқаролар ишга жойлашишда қўшимча имтиёзлардан фойдаланишди?

**Наргиза Парпиева, Яқсаарой тумани**

Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқарога ишга жойлашишда қўшимча қарорлар берилган. Ногиронларга қўшимча имтиёзлар берилган: корхоналарда махсус квоталанган иш ўрни яратилган.

Шунингдек, меҳнат бозоридан тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган ҳақда иш топишда қийналадиган шахсларга — қўшимча қарорлар ҳам берилган...





**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ**

**«ИСКАНДАР ХИРАДНОМАСИ» ДАН ХИКМАТЛАР**

Садоқат эмас бир тилдаги шиор, Садоқат тан бирла жонга ҳам тумор.

Бу қадим ўрмонда бўлма мунофиқ, Шерми, барс сўз ютиб шунга мувофиқ.

Бирдек қил доимо ичу ташингни, Тўғри бўл, қинғирлик еяр бошингни. Ичингни безаттил ташқаринг каби, Ё ташинг рангини қил ичинг каби.

Агар бор давлатинг халққа сарф этсанг, Ундан савоб иш йўқ, шукрига етсанг...

Ким хунарни деса, у доно бўлур, Нодонлар қудрат деб бойликни билур.

Йигирув урчуғин қўлга олган дам, Ёзувчи қўлидан тушади қалам. Ёки қозога хат бошласа чунон, Юнгдан ип йигириб тугатар қачон? Бир қўл икки ишни қилолмас зинҳор, Бир дилга сизмайди ҳечам икки ёр.

Қилар ишинг бўлсин ёмондан қочиш, Фикру зикринг бўлсин яхшилик сочиш.

Ёмонлик йўлидан мутлақ ҳазар қил, Сени жарга бошлар, бунни яхши бил.

Ёлгон қасам сўзга банд этма тилинг, Жонингга зарардир, чок этар дилинг...

Жаҳолат йўлида бўлма тез қадам, Ҳаром ишга қудрат ишлатмагил ҳам...

Яхшилар томонга ўйиргил юзинг, Яхши ва ёмонга бир бўлсин сўзинг...

Сен одам экансан, ўзга ҳам одам Камчиликсиз одам бўлмайди ҳечам...

Бу меҳнатободга бўлган гирифтор, Ҳар бир одам учун икки ўлим бор, Шаҳват, ҳирс, очкўзлик — биринчи ўлим, Керак, кераксиздан тортолмас қўлин. Иккинчиси — жонин беради бу тан, Руҳидан ажралиб қолади бадан. Биричи ўлимга интилган киши, Иккинчиси билан йўқдир ҳеч иши...

Дилинг ясатмаса билим, фазл, адаб, Этма зийнат, кийим, мартаба талаб. Одоб ичдан бузук бўлган бир жойда, Ташқари безақдан нима ҳам фойда?!

Кўп ҳисобин қилмай, қилавер карам, Миннатдан узокроқ кўй доим қадам.

Оз олсанг, кўп кўргил, шукр қил ҳарчанд, Шукрдан умрга умрдир пайванд.

Мамлакат истасанг адл йўлин тут, Бўлмаса бундайин ҳавасни унут.

Шундай яшагилки, сен бўлсанг Шарқда, Сени дуо қилсин одамлар Фарбда. Ундайин бўлмагил, яшасанг Райда. Қарғишлар кўпмасин Рум деган жойда.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

**ҲАМИЮРТЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ**

**ҚИРГИЗИСТОНДА ЁЗГИ БИАТЛОН БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Қитъамизнинг 40 та давлатидан келган спортчилар орасида мамлакатимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этиб юртимизга ёруғ юз билан қайтишди.

Шуниси қувонарлики, ҳамюртимиз Руслан Носиров уч йўналиш — 4, 6, 7 километрга югуриш, милтиқдан ўқ отиш беллашувларида барча рақибларидан маҳоратли эканлигини исботлаб, 3 та олтин медални қўлга киритган бўлса, ёшлар баҳсларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Анузар Юнусовга ҳам 3 та олтин медал насиб этди. Дарвоқе, халқаро тоифадаги спорт устаси, терма жамоамиз аъзоси Дилафрўз Имомхусановга ҳам Осийё чемпионатида омад қилиб бок-

**Спорт янгиликлари**

ди ва у терма жамоамизга еттинчи олтин медални тақдим этди. Шунингдек, ҳамюртларимиз Нафиса Қозоқбоевага иккита кумуш, битта бронза, Жамшид Тиллаевга битта кумуш, битта бронза, Мурод Хожимбоевага иккита кумуш, Нозим Уматов, Анна Тимофеевага биттадан бронза медаллари насиб этди. Қитъа биринчилигида 7 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

**ВИКТОР ЖАЛИЛОВ ЯНА «ПАХТАКОР»ДА АМАЛДАГИ ЧЕМПИОН ЖАМОА «ПАХТАКОР» МУСОБАҚАЛАРИ ТАРКИБИДА ЎЗГАРИШ РЎЙ БЕРДИ.**

Шу кунгача пойтахтимизнинг бош жамоасига бош мураббийлик қилган Равшан Ҳайдаров истеъфога чиқди. Эндиликда унинг ўрнини Виктор Жа-

лилов эгаллади. Бундан бир неча йиллар муқаддам «Пахтакор»га бош мураббийлик қилган Виктор Жалилов пойқадами орқали пахтакорчилар яна энг кучли жамоага айланишадими ёки йўқми, ҳар қалай бунни вақт кўрсатади.

**ЁШЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШАДИ**

**МЕКСИКАДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА БОКС БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.**

Ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз шарафини Марат Қурбонов етакчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари — Жасур Латипов, Бунёд Машрапов, Шохруҳ Хўжабеков, Фазлиддин Фойилназаров, Ҳўтам Раҳимов ва Ботир Маҳмудовлар турли вазн тоифаларида ҳимоя қилишмоқда.

Биз ёш боксчиларимизга омад ёр бўлсин, деймиз.

(Ўз муҳбиримиз)

**Килмиш-қидирмиш**

**КИРДИКОРИ ФОШ БЎЛДИ**

**МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН. БИРОҚ ТЎҒРИ ЙЎЛ ТУРИБ, ҚИНҒИР ЙЎЛЛАР ОРҚАЛИ ОСОН ПУЛ ТОПИБ БОЙИБ КЕТИШНИ ЎЙЛАГАНЛАР ОЗ БЎЛСАДА ОРАМИЗДА ЎЧРАБ ТУРГАНИ АЧИНАРЛИ ҲОЛДИР.**

Учтепа туманида яшовчи Т.Абдуазим ҳам чет давлатларда ишлаб чиқарилган уч тўпламли уй-рўзгор юмшоқ мебелларини сотиш мақсадида кўчага олиб чиққан эди. У махсулотларини кўз-кўз қилиб турганда харидор ҳам топилди. Мебелларини 8400 АҚШ долларига пулади. Ушбу жараён департамент ходимларида шубҳа уйғотди. Ва бу ҳолатга чек қўйилди.

Текширув якунида Т.Абдуазим тахминий нархи 11.400.000 сўмлик уч тўплам юмшоқ мебелларга тегишли ҳужжатларни тақдим қила олмагани боис масала қонуний ҳал бўлгунча тўплам далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Сохта тадбиркорнинг кирдикори фош бўлди. Ҳалол ишлаб топиб, ҳалол еб юрганга не етсин!

**Жасур ҲОШИМОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖИДЛКК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Молиявий барқарор, баҳамжиҳат меҳнат жамоасига эга ташкилотда ишлаш истагида бўлган фуқаролар диққатига!**

**Иқтисодчи лавозимига** — молия-иқтисодиёт ихтисослиги бўйича олий маълумотта, фаолият соҳасида камида 5 йил меҳнат стажига, компьютерда ва 1с-Бухгалтерия дастурида ишлаш кўникмасига эга 45 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**Ходимлар билан ишлаш бўйича мутахассис (кадрлар бўйича инспектор) лавозимига** — олий маълумотта, фаолият соҳасида камида 3 йил меҳнат стажига, компьютерда ишлаш кўникмасига эга 45 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**Котиба-референт лавозимига (меҳнат келишуви асосида)** — олий маълумотта, камида 3 йил меҳнат стажига, компьютерда ишлаш кўникмасига эга 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ!**

**Танлов 2008 йил 15 ноябрь кuni Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а-уй манзилида 2-қаватнинг 209-хонасида ўтказилади.**

Танловда қатнашиш истагида бўлган фуқаролар куйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

- Танловда иштирок этиш ҳақида ариза;
- Мутахассислиги бўйича диплом нусхаси;
- Меҳнат дафтарчасидан нусха;
- Меҳнат фаолияти тўғрисида резюме (фотосурати билан);
- Паспорт нусхаси.

Талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш 2008 йил 14 ноябрь кuni соат 18.00 да тўхтатилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган ва кўчмас мулк бозори бўйича иш таҳрибасига эга фуқароларга алоҳида имтиёз берилади.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: 228-88-05, 228-80-31.

**ИМКОНЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!**

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 21 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилаётган корхона**

№	Корхона номи	Мақоми	СТПР	Рўйхатга қарор қилинган сана ва рақами	ХТУТ (ОКРО)	Хўжалик судининг қарори рақами ва санаи
1	N.COM	МЧЖ	203390918	28.09.00 03203(1085)	17817064	10-0620/8569

Мазкур корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳри ва бурчак штамплари, шунингдек, белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй Тошкент шаҳар ҳокимлигининг махсус тугатиш комиссиясида мурожаатлар қабул қилинади.

«Toshkent metropoliteni» ДУК умумий майдони 9066 м<sup>2</sup>, «Toshkent metropoliteni» 1050 м<sup>2</sup>га тенг 2 та ангарли омборхона ва офис биноларини ижарага беради.

Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Сувбўйи — Кўприкли кўчалари.

Маълумот учун тел: 239-89-27

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Куйидаги кафедраларнинг бўш бўлган кафедра мудирлиги ўринларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Кафедра номи
1	Иқтисодиёт
2	Педагогика ва психология
3	Сиёсатшунослик, социология ва миллий истиқлол гоёяси
4	Гидрогеология, муҳандислик геологияси ва разведка ишларининг геофизик усуллари
5	Кончилик электр механикаси
6	Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси
7	Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш
8	Хорижий тиллар 2

Аризалар қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй

Тошкент Давлат техника университетининг бош биноси, 418 ;211-хоналар.

**Телефонлар:** 246-46-00; 246-81-42; 246-61-17



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ**

Буюртма Г-906

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3298 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни тасдиқ берилмасалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.